

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2018  
октябрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

---

### Н.ХОЛМИРЗАЕВ

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари .....	80
<b>С.ЮЛДАШЕВ, Ў.АҲМЕДОВА</b>	
Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари .....	83
<b>Н.ХАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ</b>	
Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш .....	86

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

---

### Қ.ЮЛЧИЕВ

Хронотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида) .....	89
<b>С.ЖУРАЕВА</b>	
Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар .....	92
<b>Э.НАСРУЛЛАЕВ</b>	
Алишер Навоий феномени ва жадид адабиёти намояндалари .....	98
<b>Р.ДАМИНОВА</b>	
Туркий шеъриятда ғазал .....	102

## ТИЛШУНОСЛИК

---

### Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА

Тўсиқиззик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида .....	106
<b>З.АЛИМОВА</b>	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган но- префиксли сўзлар хусусида .....	109

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

---

### Ш.ДЖУМАНОВ

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти .....	113
<b>Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА</b>	
Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари .....	117

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

---

### Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҚОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА

Полифункционал гемосорбент олиш усули.....	121
<b>Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ</b>	

Корхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари.....

123

### М.АБДУЛЛАЕВА

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси .....	126
---	-----

### А.КОСИМОВ

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида) .....	129
--	-----

### М.УСМОНОВА

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар .....	131
---	-----

### Р.АБДУЛЛАЕВА

Оламнинг лисоний манзараси .....	133
----------------------------------	-----

### М.А.НАЗАРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА

Ўқиш кўнижмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар .....	136
--	-----

### Ш.АБДУЛЛАЕВ

Аҳил кўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида .....	140
---	-----

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

---

<b>Жаҳонга танилган олим .....</b>	143
------------------------------------	-----

## ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

---

<b>Библиография .....</b>	147
---------------------------	-----

## ЖАМИЯТНИ ИЛМИЙ БОШҚАРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

**С.Юлдашев, Ў.Аҳмедова**

**Аннотация**

*Мақолада жамият бошқарувига оид илмий қарашларнинг истиқболли тараққиёти ва стратегик негизларини такомиллаштириш жараёнлари кўриб чиқилган. Бу масала қадимдан буюк мутафаккур ва давлат арбобларининг дикқати эътиборида эканлиги эътироф этилиб, умумий хулосалар берилган.*

**Аннотация**

*В данной статье рассмотрены процессы усовершенствования стратегических основ и перспективного развития научных взглядов на управление обществом. Даны общие выводы, констатирующие, что данная проблема издревле находится в центре внимания великих мыслителей и государственных деятелей.*

**Annotation**

*In this article the processes of improvement of strategic basis and perspective development of scientific views concerning management of society are considered. General conclusions stating this problem has been the focus of attention of great thinkers and statesmen since ancient times are given.*

**Таянч сўз ва иборалар:** жамият бошқаруви, илмий бошқариш, фалсафий тафаккур, стратегия, қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти, ижтимоий тараққиёт.

**Ключевые слова и выражения:** управление обществом, научное управление, философское мышление, стратегия, верховенство закона, гражданское общество, социальное развитие.

**Keywords and expressions:** society management, scientific management, philosophical thinking, strategy, rule of law, civil society, social development.

Инсоният тарихий тараққиётининг турли даврларида жамият тушунчаси, уни қандай бошқариш тамойилларининг моҳияти мифологик, диний ва дунёвий қарашлар тизимида изоҳлаб келинган. Жамият моҳиятини илмий-фалсафий билиш ва унинг яхлит илмий манзарасини яратиш инсоният маънавий тараққиётининг буюк ютуқларидан бири ҳисобланади. Тарихий тажрибадан келиб чиқиб, илмий билимлар ва фалсафий тафаккурнинг ривожланиши билан жамият моҳиятини илмий таҳлил асосда ўрганиш имконияти вужудга келган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Давлатни ақл-идрок билан бошқариш, – мутафаккур Абу Наср Фаробий Х асрда сабоқ бериб айтганидек, - халқ бошига тушган хавф-хатарни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир” [1.10]. Давлат ва жамият бошқаруви тўғрисидаги илмий қарашлар И.Кант, Гегель, Руссо, Абу Наср Фаробий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий сингари улуғ мутафакирлар ўз асарларида, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда ва давлат арбоблари ўзларининг тузуклари ва асарларида жамиятниadolatli бошқариш тартиб-тамоили, унинг моҳияти, стратегик истиқболлари тўғрисида илғор илмий қарашларни илгари сурғанлар.

Фаробийнинг идеал (фозил) жамиятни барпо этиш тўғрисидаги ғоялари ижтимоий фалсафа ва илмий бошқарышга доир ижтимоий-фалсафий концепциялар ривожида муҳим ўрин тутади. Унинг адолатли жамиятни ақл ва тафаккур асосида бошқариш тўғрисидаги ғоялари [2.160] бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ибн Сино инсонпарвар, маърифатпарвар олим сифатида инсон ахлоқий равнақининг чексиз имкониятларини ифода этади. Лекин унинг рӯёбга чиқиши шахс ва жамиятнинг имкониятлари билан боғлиқдир, [3.12] дейди. Бизнингча, жамиятнинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёжидан келиб чиққанлигини, ижтимоий тенгсизлик, табиий ҳолат, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши жамият тараққиётининг асоси эканлигини илмий асослаб бермоқчи бўлган. Абу Райхон Беруний идора қилиш ва бошқариш - жамоа роҳатини деб, ўз роҳатидан маҳрум бўлиш деган сўздир [4.18], дейди, бунда аллома бошқарувда асосий омил сифатида давлат бошқаруви эгасининг масъулияти ниҳоятда юқори эканлигини курсатиб беради. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ижтимоий-фалсафий таълимотлари кейинчалик европалик олимлар томонидан илмий-ижодий ривожлантирилди.

XIX аср ўрталари ва XX аср бошларига

С.Юлдашев – ФарДУ, мустақил изланувчи.

Ў.Аҳмедова – ФарДУ ҲТХҚТУМОҲМ ўқитувчisi.

келиб, жамиятни илмий асосда тадқиқ этиш, ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этишда фан ютуқларидан фойдаланиш, жамият истиқболини олдиндан кўриш ҳаётй заруриятта айланди.

Инсоният тараққиёти шароитида жамият мөхиятини атрофлича идрок этиш, унга янгича ёндашиш зарурияти пайдо бўлади. Турли тарихий даврда яратилган жамият тўғрисидаги фалсафий, ижтимоий-маданий таълимотлар давр руҳи, унинг қонуниятлари, маънавий салоҳияти ва ривожланиш тенденцияларини ўзида маълум даражада такомиллаштириб борди.

Илмий-назарий стратегик концепциялар жамият дуч келган мураккаб муаммоларни ҳал этиш заруритидан пайдо бўлган, уларни бартараф этиш учун у илм билан ўзаро интеграциялашув эҳтиёжини вужудга келтирди. Шу нуқтаи назардан, мустақил Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар билан ҳар томонлама интеграциялашуви бошқарув жараёнининг имкониятларини кенгайтиради.

Жамият ғоят мураккаб ижтимоий организм бўлганилиги учун у инсонлар ўртасида амал қиласиган иқтисодий, ахлоқий, диний, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий муносабатларнинг шунингдек, оила, дин, давлат, маданият сингари ижтимоий институтларнинг ҳамкорлигини тақозо этади. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам, улардан бирини муҳим, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш ҳам, бизнингча, жамият бошқарувида жиддий хатоларга олиб келади. Сабаби, жамият вақт ўтган сари ўзига мақбул деб топган ҳаёт йўлини топиб бораверади. Юқорида айтилганидек, жамият аъзоларининг ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий қарашларининг илмий шаклланиши билан боғлиқ бўлади. Биринчи навбатда жамият тараққиётининг асосий омили сифатида инсон капиталини ривожлантириш, унинг эҳтиёжларини оқилона қондириш ва ривожлантириш жамият стратегик бошқарувини талаб этади. Жамиятни стратегик бошқаришда илмий бошқарув тамойилларининг муайян ҳалқ, миллатнинг тарихан шаклланган анъаналарига, ижтимоий ва маънавий ҳаётда қарор топган маданий меросига асосланади. Шунинг учун ҳам илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўлланган ҳолда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётини жадал ривожлантириш мақсадида 2018 йил 21 сентябрда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармоннинг бош мақсади – мамлакатнинг ҳалқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омили сифатида инсон капиталини ривожлантириш, [5] деб белгилаб қўйилди.

Бугунги кун Ўзбекистонда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда. Бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони, яъни “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси” яққол мисол бўла олади. Концепциянинг мақсади қилиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлай оладиган, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлайдиган ва самарали ҳал қиласиган давлат бошқаруви тизимининг аниқ фаолиятини белгилаб қўйилди. Ҳар бир тарихий даврда жамиятнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига мувофиқ равишда сиёсий бошқариш усули шаклланади ва амал қиласи. Сиёсий жараёнларни бошқариш, авваламбор ҳуқуқий билимларга таянади. Чунки, ҳар қандай масалага қонун асосида ёндашилади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда хуласа қилишимиз мумкинки, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва хурмат руҳида тарбиялаш – бу, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

Демократик жамият бозор иқтисодиёти муносабатлари воситасида бошқарилади. Давлат сиёсати иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ва унинг муҳим томонларини рўёбга чиқиши учун шарт-шароитлар яратади. Ижтимоий рақобат,

**ФАЛСАФА, СИЁСАТ**

манфаатдорлик иқтисодий ривожланишнинг муҳим қонунияти сифатида амал қилади. Демократик давлат жамият маънавий ҳаётини тақомиллаштириш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илм-фанни тараққий эттиришдан манфатдор бўлиб, унинг ривожига ғамхўрлик қилади.

Жамиятни илмий бошқариш юқори малакали ва илм-фан ютуқларини эгаллаган кадрлар тайёрлаш билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун таълим-тарбия тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан биргалиқда ўкув жараёнида замонавий педтехнологияларни кенг кўламда қўпланиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилмоқда, чунки бугунги мутахассислар энг аввало мустақил ва ижодий фикрлашга эга бўлиб, эртанги етук кадрлар ҳисобланади. Бундай ҳолатда жамиятнинг аниқ бир соҳаларини бошқаришда қийинчиликка дуч келинадиган жиҳатлари мавжуд бўлиб, масалан, маъмурий буйруқбозлик, модернизация жараёнининг моҳиятини тушунмаслик ёки стратегик

мақсадларни амалга оширишда кадрларнинг билим даражаси ва ташаббускорлигининг этишмаслиги каби бир қатор бартараф этиш лозим бўлган жиҳатларни ҳисобга олиш керак. Бизнингча, фуқаролик жамиятининг афзаллик томонларидан бири аҳолининг асосий қисмини жамият бошқарув тизимларига жалб этишдир.

Шундай экан, биринчи галда ҳуқуқий-норматив базани шакллантириш; мавжудларини тақомиллаштириш; аҳолини мавжуд ҳуқуқий нормалардан хабардор этиш, яъни ҳуқуқий саводхонликни ошириш, шунга асосланган ҳолда жамоатчилик назоратини кучайтириш; ижтимоий фикрни мунтазам ўрганиб бориш ва шу асосида стратегияни белгилаш, мақсадларни ўзгартириб бориш; жаҳоннинг илфор тажрибаларини ўрганиш ҳамда миллий ментал ҳусусиятларни эътиборга олган ҳолда жамият бошқарувига татбиқ этиш ҳамда илмий-фалсафий қарашларни тақомиллаштириш зарур.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Т.: “Халқ мероси”, 1993.
3. Абу Али ибн Сино. Қомусий олим. Методик-библиографик қўлланма. - Т.: Алишер Навоий номли Миллий кутубхона, 2004.
4. Беруний ва ижтимоий фанлар. - Т.: Фан, 1973.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон
6. Капитонов Э.А., Зинченко Г.Н., Капитонов А.Э. Корпоративная культура: теория и практика. - М.: Альфа-Пресс, 2005.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).